

Хутбада ваъз-насиҳат қилиш | Фикҳ дарслари (255-дарс)



19:00 / 09.11.2023 1678

Қачон имом манбарга ўтирса, унинг олдида иккинчи азон айтилади.
Одамлар унга юзланиб, қулоқ осадилар.

Бу ҳукмнинг далили қуйидагича:

هُنَّعُ هَلَلَا يَضَرُّ هَلَلَا ذَبَعُ نَع
يَلَصُّ هَلَلَا لُؤْسَرَّ نَاكَ بَلَاق
يَوْتُسَا إِذَا مَلَّسَوِ هَيْلَعُ هَلَلَا
هُنَّ لَبَقَتْ سَا رَبُّنْمُ لَا يَلَعُ
نُّبَاوِي ذِمَّرْتَلَا هَاوَر. أَنَّهُ وُجُّوبُ

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон минбарга чиқсалар, биз у зот томон юзланар эдик».

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Имом минбарга чиққанида азон айтилиши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидан буён борлиги ҳақидаги ривоятни яқинда ўрганиб ўтдик.

Имом хутба қилаётганда ҳамма нарса ўша хутбани эшитишга қаратилиши лозим. Шунинг учун хутбани эшитишга халақит берадиган ҳар бир нарса хутба пайтида ман қилинади.

Жумага ҳозир бўлганлар ичида беҳуда гап-сўз айтиб, беҳуда хатти-ҳаракат қилиш ман қилингандир.

Шунингдек, хутбани эшитмай, дуо қилиш ҳам мумкин эмас.

Ўзидан олдин масжидга келганларнинг елкасини туртиб, олдинга ўтиб, жой топишга ҳаракат қилиш ҳам яхши эмас.

Жума намозига борган одам ҳеч кимга ҳеч қандай озор бермасликка ҳаракат қилиши лозим.

Акса урган одамга соғлик тилаш ҳам жоиз эмас.

Саломга алик олиш ҳам дуруст эмас.

Қуръон қироати ҳам мумкин эмас.

Хулласи калом, ҳамма эҳтимом билан хутба тингласин.

Имом таҳоратли ва тик турган ҳолида иккита хутба қилади. Иккисининг орасида бир ўтириш бордир. Қачон иккиси тамом бўлса, иқома айтилади ва имом одамлар билан икки ракъат намоз ўқийди.

Ушбу жумлаларда келган ҳукмлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг доимий қилган амалларидан олинган. Умуман, жума хутбаси

ҳақида билиш лозим бўлган маълумотлар билан батафсилроқ танишиб қўйсак яхши бўлади. Жума хутбасига, хутба қилувчига оид суннат амаллар қуйидагилардан иборат:

1. Хатибнинг таҳоратли бўлиши.
2. Хатибнинг аврати сатрли бўлиши.
3. Хутбани минбарда туриб қилиш.

لَا أَقُوهُ نَعُهُ لَلْإِيضِ رَبِّاجِ نَع
لِوَسَرِ أَيُّ تَلِاقٍ ؕ أَرْمَانًا
أَيُّ يَشَكُّ لَعُجَ الْإِلَهِ لَلْإِ
أَمِ الْغُيْلِ نِإْفِ؟ هِيَ لَعُ دُعُوتِ
«تُشْنِإِ» لَاقٍ. أَرَجَنْ
هُ أَوْرَبُ رَبُّنْمُ لَاتَلَمَعَفِ
ةً ثَالِثًا

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир аёл:

«Эй Аллоҳнинг Расули, сизга устида ўтирадиган бир нарса қилиб берайми? Менинг дурадгор қулим бор», деди.

«Агар хоҳласанг», дедилар у зот. Шунда у минбар қилиб берди».

Учовлари ривоят қилишган.

Ўша ҳимматли саҳобиянинг исми Оиша бўлган экан. Дурадгор ғуломнинг исми эса Маймун.

Ушбу суҳбатдан кейин Маймун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга уч поғоналик минбар ясаган ва унинг хожа ойими мазкура Оиша розияллоҳу анҳо олиб келиб ўрнатган. Ўшандан бошлаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мазкур минбарда туриб хутба қилганлар.

Бу минбар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан кейин ҳам узоқ вақт турган. Кейинчалик масжидга ўт кетганда куйиб кетган.

Минбарни меҳробнинг ўнг томонига ўрнатиш ҳам суннатдир. Минбар билан меҳробнинг ораси бир ёки икки аршин бўлгани яхши.

Минбарнинг иложи бўлмаганда баланд нарсада туриб хутба айтилади.

Имом Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашиб, минбарнинг устидан бир поғона пастда туради.

4. Хутбани бошлашдан олдин минбарга ўтириш.

Бу қуйидаги ҳадисга биноан бўлади:

لَا قَدِي زِي نُبِ بِئِاسِلَا نَع
هُلَّوْأَ عُمُجَلَا مَوِيْءَا دِنَلَا نَاك
رَبُّنْمُ لَا يَلَعُ مَامِإِلَا سَلَجِ إِذَا
هُلَلَا يَلَصَّيْ بِنَلَا دَعُ يَلَعُ
رَمُعُ وَرُكَّ بِي بَأُو مَلَسَوِ هِيَلَعُ
هُأَوْر. أَمْهُنَعُ هَلَلَا يَضَر

أَمْرٌ سُمِّيَ الْإِسْمَ الْخُلَا

Соиб ибн Язийд розияллоху анхудан ривоят қилинади:

«Жума кунининг аввалги нидоси Набий соллаллоху алайҳи васаллам, Абу Бакр ва Умар розияллоху анхумонинг даврларида имом минбарга ўтирганда бўлар эди».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

5. Имом ўнгга ёки чапга қарамасдан, қавмга қараб туриши.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам доимо қавмга юзланиб туриб хутба қилганлар.

6. Азонни битта муаззин айтиши.

7. Хутбани Аллоҳга ҳамду сано билан бошлаш.

8. Хутбада икки шаҳодатни айтиш.

9. Хутбада Набий соллаллоху алайҳи васалламга салавот айтиш.

10. Хутбада ваъз-насиҳат қилиш.

11. Хутбада Қуръондан бир оят бўлса ҳам қироат қилиш.

12. Хутбани иккита қилиш.

13. Икки хутбанинг орасида ўтириш.

14. Иккинчи хутбанинг аввалида ҳамду сано ва салавотни қайтариш.

15. Хутбада мўминлар ҳаққига дуо қилиш.

16. Хутбани баланд овоз билан қилиш.

«Кифоя» китобининг биринчи жузи асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7013-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.